*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 29 январь 1974 йил, сешанба ◆ № 24 (15.804). ◆ Баҳоси 2 тийин.

# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ВИЗИТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев расмий дўстлик визити билан 28 январда Москвадан Куба Республикасига жўнаб кетди. Суратда: Внуково аэродромида кузатиб қолиш пайти. (ТАСС).

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ Куба Республикасига жўнаб кетди

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министри Фидель Кастро Руснинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 28 январда расмий дўстлик визити билан Москвадан Куба Республикасига жўнаб кетди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, ТАСС бош директори Л. М. Замятин жўнаб кетдилар.

Совет Иттифоқи ва Куба Республикасининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари П. А. Абрасимов, В. В. Кузнецов, Г. С. Павлов, К. У. Черненко, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари О. Б. Рахманин, Г. К. Цинев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчихонаси дипломатик ходимлари, шунингдек Канаданинг СССРдаги элчиси Р. А. Д. Форд ҳам бор эди.

Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре Дель Кристо ҳам шу самолётда учиб кетди. (ТАСС).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПРЕНСА ЛАТИНА АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА АЙТГАНЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москвадан Гаванага учиб кетиш олдидан аэродромда Пренса латина агентлигининг мухбирига қуйидагиларни айтди:

Мен ўртоқ Фидель Кастронинг озодлик оролига келиш тўғрисидаги таклифини зўр хурсандчилик билан қабул қилдим.

Сизнинг мамлакатингиз билан, Куба революциясининг муваффақиятлари билан танишиш, қаҳрамон Куба халқини табриклаш ва бу халқнинг революцион ғайрат-шижоати ҳамда мардлигидан совет кишиларининг хурсандлигини унга маълум қилиш имкониятига эга бўлишимдан жуда ҳам мамнунман.

Социалистик интернационализм принципларига асосланган мустаҳкам қардошларча дўстлик Совет Иттифоқи ва Кубани бир-бири билан боғлаб турибди.

Куба диёрида ўртоқ Фидель Кастро билан учрашувимни иштиёқ билан кутмоқдаман. Мен шу нарсага аминманки, у билан ва Куба Республикасининг бошқа раҳбарлари билан олиб борадиган музокараларимиз қардош партияларимиз ўртасидаги, совет ва Куба халқлари ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Гаванада дийдор кўришгунча! (ТАСС).

## САМОЛЁТ БОРТИДАН ТЕЛЕГРАММАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев самолёт бортидан Дания Бош министри Поуль Хартлингга телеграмма йўллади. Телеграммада бундай дейилади: Дания территорияси осмонидан учиб ўтар эканман, Бош министр жаноблари, Сизга салом ва энг яхши истакларимни йўллайман.

Совет Иттифоқи билан Дания ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари келгусида ҳам ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида ривожланиб бораси ва Европада тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишида олға қараб қадам қўйилишига хизмат қилади, деб умид билдираман.

Л. И. Брежнев Швеция Бош министри Улоф Пальмега телеграмма йўллади.

Швеция территорияси осмонидан учиб ўтар эканман, дейилади телеграммада, Бош министр жаноблари, Сизга, қўшни Швеция ҳукумати ва халқига фароғат ва равнақ тилаб изҳор қилган самимий истакларимни йўллайман.

Ҳар икки мамлакатимиз ўртасида мавжуд бўлган дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик иши манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиб бораси, деб ишонч билдиришни истайман.

Л. И. Брежнев Буюк Британия Бош министри Эдвард Хитга ҳам телеграмма йўллади.

Британия осмонидан учиб ўтар эканман, дейилади телеграммада, Бош министр жаноблари, Сизга, шунингдек Англия ҳукумати ва халқига ўзимнинг энг яхши истакларимни изҳор қиламан.

Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожланиб бораси, деб умид билдиришни истайман.

Л. И. Брежневнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Ричард М. Никсонга йўллаган телеграммасида бундай дейилган:

Америка Қўшма Штатлари соҳиллари яқинидан учиб ўтатуриб, Сиз, Президент жаноблариға, АҚШ ҳукуматига ва халқига энг эзгу тилаклар йўллайман.

Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам иккала мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида, халқаро хавфсизлик ва ялпи тинчлик манфаатлари йўлида ривожлана беришига ишонч билдираман. (ТАСС).

## Л. И. БРЕЖНЕВ КАНАДАДА ТЎХТАБ ЎТДИ

ГАНДЕР (Ньюфаундленд ороли), 28 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Куба Республикасига бора туриб Гандер аэропортида бироз вақт тўхтаб ўтди. Уни Канада экономика министри Д. Жеймисон, шунингдек СССРнинг Канададаги элчиси А. Н. Яковлев кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев билан министр Д. Жеймисон ўртасида бўлган дўстона суҳбатда Совет—Канада муносабатларининг баъзи бир масалалари тўғрисида гаплашиб олинди.

Л. И. Брежнев Гандердан Канада Бош министри П. Э. Трюдога қуйидаги телеграммани йўллади:

Канада территориясида бир оз тўхташ вақтида, Сиз, Бош министр жаноблариға ва Канада ҳукуматига энг яхши тилаклар йўллаймиз. Дўст Канада халқига эсон-омонлик ва равнақ тилаб билдирган истакларимни ҳам қабул этгайсиз.

Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам муваффақиятли ривожлана беришига ҳамда мамлакатларимиз ва ялпи тинчлик манфаатларига хизмат қилишига аминман.

# ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК МЕЗОНИ

Партиявий ишда энг муҳим, ғоят масъулиятли вазифалардан бири кадрлар билан ишлаш, уларни қунт билан тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдир. Кадрлар билан ишлаш масаласи партия ҳаётидаги энг мураккаб соҳа, ўзига хос билим, санъат, катта ҳаёт мактабидир. Зероки, кадрларнинг иш қобилияти, ижодий фаолияти, характерини ўрганиш ,тарбиялаш, вояга етказиш ҳар бир раҳбар партия ходимидан катта билим, партиявий маҳорат талаб этади.

В. И. Ленин кадрлар билан ишлашдек партия ҳаётининг мана шу муҳим, ҳал этувчи соҳасига ҳамиша эътибор билан муносабатда бўлиб, халқ хўжалигида, идеология соҳасида иш олиб бораётган минг-минглаб кадрларни юксак принципиаллик, партиявийлик, софдиллик, камтарлик, самимийлик, қийинчиликлардан қўрқмаслик каби коммунистларга хос юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга катта аҳамият берди. Коммунистик партия В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, кадрларга ўзининг олтин фонди деб қаради, улар билан ишлаш масаласига эса партия фаолиятининг асоси деб билди.

Республикамиз партия ташкилотлари кадрлар танлаш, жой-жойига қўйишда асосан уларнинг иш фаолиятига, ташкилотчилик қобилиятига қараб баҳо бериб келди ва келмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, ташкилий ва уюшқоқлик билан ўтган район, шаҳар партия конференциялари, бирин-кетин ўтаётган область партия конференциялари буни яққол исбот қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги олиб бораётган катта ташкилий ишлари, конкрет тадбирлари ўзининг яхши натижаларини бераётир. Партия ташкилотларида, хўжалик ва маданий қурилишнинг хилма-хил соҳаларида ўз ишини яхши биладиган, фикр доираси кенг, ташкилотчи, ташаббускор кадрларнинг катта армияси иш олиб бормоқдаки, республика партия ташкилоти улар билан ҳақли равишда фахрланади.

Коммунистик қурилиш ишлари кенг авж олиб кетган ҳозирги даврда халқ хўжалиги, маданий қурилишга раҳбарлик қилиш, сиёсий-тарбиявий, идеология ишларини олиб бориш ҳар бир раҳбар ходимдан юксак ташкилотчиликни, билим доираси кенг бўлишни, ақл-фаросат билан иш тутишни, марксизм-ленинизм назариясини, иқтисодий билимларни чуқур эгаллашни талаб этади. Зеро, ҳар бир хўжалик доирасида, шунингдек ҳар бир район, область, республикамиз доирасида ҳам олиб борилаётган ишлар ҳажми ўзининг кўп қирралиги, хилма-хиллиги, мураккаблиги, замонамиз илгари сураётган юксак талаблар нуқтаи назаридан ҳар тарафлама чуқур малакали раҳбарлик қилишни тақозо этади.

Шу куннинг юксак талаблари раҳбарликнинг шакллари, хусусиятлари, методларига ҳам маълум ўзгартишлар киритмоқда, уни янада такомиллаштириб боришни талаб этаётир. Халқ хўжалиги ва маданий қурилишга бошчилик қилиш ўзига хос санъат, ўзига хос партиявий фан тусини олаётир. Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, прогрессив усуллар, илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари, қандай қилиб оз меҳнат сарфлаб кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш мумкин ва бошқа жуда кўп масалалар борки, ана шуларни чуқур билмай туриб, ҳозирги замон экономикаси ва маданиятига малакали раҳбарлик қилиш мумкин эмас.

Яқиндагина ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг якунлари ва республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни янада жадаллаштириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисидаги муҳим масалани кенг ва атрофлича муҳокама қилиб, мазкур масала юзасидан қарор қабул этди. Пленум социалистик экономикамизнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил этиб, катта режалар белгилади, ишимиздаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлади. Шунингдек, пленумда партия ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги ишлари ҳақида ҳам муфассал тўхталиб ўтилди.

Пленум шуни алоҳида таъкидлаб кўрсатдики, Ўзбекистон партия ташкилотлари КПСС XXIV съездининг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўлини амалга ошира бориб, кейинги йилларда кўпгина соҳаларда, айниқса пахта, дон, чорвачилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш соҳасида, ирригация системалари, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш соҳасида, электр энергетика, машинасозлик, химия, кон-руда саноати, бинокорлик материаллари саноатини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришдилар. 1973 йилда пахта ҳосилдорлиги 29,2 центнерга кўтарилди, ҳосилнинг 55 процента машинада териб олинди. Бу муваффақиятларнинг сири — аввало партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар даражасига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг ана шу муҳим соҳаларида ишнинг ўзини биладиган, тадбиркор, ташкилотчи кадрлар армияси иш олиб бораётганлиги натижасидир.

Шу билан бирга пленум алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек халқ хўжалигининг айрим соҳаларида камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бир қанча саноат корхоналари саноат маҳсулоти реализация қилиш планини бажармади. Меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди. Ишга туширилаётган объектлар суст ўзлаштирилмоқда. Айрим областларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш планлари бажарилмаётир. Айрим раҳбар ходимларнинг ишдаги нўноқлиги, ишлаб чиқариш масалаларини чуқур таҳлил этабилмаслиги, ҳисоб-китоб билан иш тутмаслиги оқибатида планлар бажарилмай қолаётир, давлат маблағларининг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда.

Баъзи раҳбар ходимлар бўлса амалий ишни қоғозбозликка, мажлисбозликка айлантириб юбордилар. Қарабсизки, гап деганда узундан-узун «чиройли» нутқлар сўзлаб, гўё ҳаммани оғизларига қаратмоқчи бўладилар, бевосита ишлаб чиқариш масаласига келганда аҳвол чатоқ, кўрсаткичлар кўнгилдагидек эмас. Планлар бажарилмайди. Минбардан туриб фақат чиройли гапириш билангина иш битмайди, балки чиройли ишлаш ҳам керак. Бунинг маъноси шуки, сен раҳбарлик қилаётган хўжалик, тармоқ ёки район, область барча кўрсаткичлар бўйича ҳамиша олдинда борсин. Бирор бир соҳа орқада қолгудек бўлса, унинг сабабларини аниқла, конкрет тадбирлар белгилаб, қолоқликдан чиқиш йўлларини қидир! Айтилган сўз билан ишнинг бирлиги бўлсин, яхши, чиройли гаплар айтган экансан, уни амалий иш билан мустаҳкамла! Жонкуярлик кўрсатиш, берилган топшириқларни ҳалоллик билан бажариш, эл-юрт хизмати йўлида фидокорлик кўрсатиш, жавобгарликни ҳис этиш раҳбар ходимнинг юксак фазилатидир. Хўжалик ва маданий қурилишда эришилган ютуқлар, тарбиявий ишлардаги ибратли натижалар ҳаммаси бирга қўшилиб, раҳбарликнинг самарадорлигига мезон бўлади.

Бухоро область партия конференциясида сўзга чиққан коммунистлар областнинг бу йил пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмаганлигини ташкилий-тарбиявий ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар натижаси эканлигини рўй-рост очиб ташладилар. Область давлатдан беш йилликнинг ўтган уч йили ичида 35 минг тонна пахта қарздор бўлиб қолди. 30 хўжалик пахта тайёрлаш планини йил сайин бажармай келаётир. Чорвачиликнинг аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас. Шунингдек, Қашқадарё областида 1973 йили пахта тайёрлаш плани бажарилган бўлса ҳам, лекин ҳосилдорлик анча камайиб кетган, чорвачилик, дон етиштириш соҳасида катта камчиликларга йўл қўйилди. Умуман республикада планни бажаролмай, орқада судралиб келаётган 494 колхоз ва совхоз бор. Мазкур хўжаликларнинг раҳбарлари барча имконият бўлишига қарамасдан, қолоқликдан чиқолмаётганликларини қандай баҳолаш керак?

Чироқчи район партия конференциясида Максим Горький номли колхознинг бригада бошлиғи Х. Ашуров сўзлаётганда унга савол бериб қолишди:

— Бригадангиз гектаридан қанча ҳосил кўтарди?

— 32 центнердан.

— Колхозингизчи?

— Колхоз планни бажармади.

— Сиз пахта тайёрлаш планини ҳар йили ортиги билан бажариб келяпсиз, 1973 йилда шунчалик қийинчиликларга қарамасдан юқори ҳосил олибсиз, колхозингиз бўлса планни бажара олмади, ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Савол туғилади: хўш, колхознинг бошқа бригадаларида ер ёмонми, ёки сув етишмайдими, ё бўлмаса уларга ўғит кам бериладими?

Шунда у:

— Йўқ, ер ҳам яхши, сув ҳам, ўғит ҳам етарли, фақат раҳбарликнинг мазаси йўқ, ёмон ер йўқ, балки ёмон раҳбарлар бор, — деб жавоб берди.

Оддий бир пахтачилик бригадаси бошлиғининг бу сўзларида олам-олам маъно бор. Чиндан ҳам хўжаликнинг жонкуяр раҳбари олтин ернинг қадрига етади, ардоқлайди, ҳар бир қарич ернинг бекор ётишига йўл қўймайди, парваришлайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундаки, агар ҳар бир масъул ходим жонкуярлик кўрсатса, садоқат билан ишласа оммага чинакам бошчилик қила олади, уларни улкан вазифаларни бажаришга сафарбар эта олади.

Эришилган ютуқлар, ишлаб чиқариш планларининг ортиғи билан бажарилиши кибрланиш, мақтаниш учун ҳеч қачон асос бўла олмайди. Ишлаб чиқариш планлари — партиямиз, ҳукуматимиз томонидан берилган топшириқ, унинг бажарилиши ҳар биримиз учун муқаддас қонундир. Раҳбар ходим эришилган ютуқларни яна ҳам мустаҳкамлаши ,берилган топшириқларни йил сайин ошириб бажариш, ишлаб чиқаришда тобора юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлаши лозим. Шундагина у ҳақиқий раҳбар, омманинг етакчиси, эътиборли, обрўли киши бўлиб қолади. Камтар бўлиш, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш, жўшқин ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш, оммаанинг эзгу орзу-истаклари билан бирга яшаш — ҳар бир раҳбар ходимнинг муқаддас бурчидир.

Баъзан шундай ходимлар ҳам бўладики, раҳбарлик лавозимига кўтарилдими, қарабсизки босар-тусарини билмай, ҳатто ўз ҳамкасбларига, яқин дўстларига, ҳатто ўзидан каттароқ ёшдаги, илгари иш ўргатган тарбиячиларига ҳам, содиқ шогирдларига ҳам муносабати ўзгариб қолади. Гўё осмондан тушгану, раҳбарлик лавозимига ўтирган. Партия, халқ сенга масъулиятли лавозимни ишониб топшириб қўйган экан, ана шу юксак ишончга лойиқ бўл, ҳамиша халол ишла, ўзингни камтар, самимий тут — ана шундагина янглишмайсан, ҳамиша олға кетаверасан.

Эгаллаб турган вазифа, мансабнинг ўзигина кишини обрў-эътиборли қилмайди, балки ҳар бир киши ўзи эгаллаб турган вазифа, лавозимни ўз ҳалол, фидокорона меҳнати, ташкилотчилик фаолияти, самимий,камтарона хулқ-атвори, жамики инсоний фазилатлари билан улуғлайди. Масъулиятли лавозим — яхши раҳбар билан яна ҳам ҳурматлидир. Яхши раҳбар ўзининг ибратли ишлари билан ўзи эгаллаб турган вазифанинг обрўсини кўтаради, бу билан меҳнат аҳлининг улуғ партиямизга, Совет ҳокимиятига, унинг сиёсатига бўлган ҳурматини яна ҳам оширади.

Биз коммунистлар қандай даража ёки лавозим эгаси бўлишимиздан қатъий назар Улуғ Ленин партиясининг содиқ оддий солдатларимиз, ўз камчиликларимиз ҳақида, ишдаги йўл қўйган, кўзётган хатоларимиз ҳақида рўй-рост айтишимиз ва шу нуқсонларни тугатишга қодир бўлишимиз даркор. В. И. Ленин, — **коммунистларнинг бурчи ўз ҳаракатининг заиф томонлари ҳақида индамай ўтишда эмас, балки бу камчиликлардан тезроқ ва батамом холи бўлиш учун уларни очиқ ойдин танқид қилишдадир,** — деб таъкидлаган эди. Ленин кўрсатмаларига ҳамиша содиқ бўлайлик, ишимизнинг яхши, ёмон томонларини одилона таҳлил қилиб, тўғри мезон танлаб олайлик!

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари билан қуролланган республикамиз партия ташкилотлари кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тарбиялаш масаласини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарадилар, партиямиз Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг олдимизга қўйган улуғвор вазифаларини бажариш учун бутун куч, ташкилотчилик қобилиятларини аямайдилар.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ КЕНГАШИ

28 январда Тошкентда ишлаб чиқариш илғорлари — 1973 йилги халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасидаги социалистик мусобақа ғолибларининг кенгаши бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган кенгаш ишида область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, халқ контроли органларининг, республика газета ва журналлари редакцияларининг, республика саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари, инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш новаторлари, донгдор ишчилар иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов очди.

Кенгашда Ўзбекистон саноати, қурилиши, транспорти ва алоқасида 1973 йилги социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ва 1974 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. П. Дудин, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зоидов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. П. Фёдоров, Бухоро шаҳридаги 163-қурилиш трестининг бошқарувчиси Н. Р. Ражабов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржонов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцева, Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин, Ф. Э. Дзержинский номли Фарғона тўқимачилик комбинатининг директори С. Абдуллаев, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси А. К. Эргашев, Андижон область ижроия комитети раисининг ўринбосари В. И. Поветко, «Ўзглавдострой» бошлиғи В. В. Чернов, «Отделстрой» трести партия комитетининг секретари Ю. В. Виндушева, Главхлопкомашнинг бошлиғи Л. О. Назарьянц, Тошкент трактор заводи партия комитетининг секретари И. М. Лукьянов қатнашдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари мусобақадош дўстларининг табрикномасини — Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев имзолаган телеграммани самимий кутиб олдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Р. Қурбонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа меҳнатчиларининг 1974 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларини яқдиллик билан қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

*ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ*

# ИШДА МАСЪУЛИЯТ — ЮКСАК ФАЗИЛАТ

## ХОРАЗМ

**— Бизнинг планларимиз реал планлардир. Бу планларнинг бажарилиши ҳар биримизнинг меҳнатимизга, сабот-матонат ва маҳоратимизга, уюшқоқлигимизга ва интизомли бўлишимизга боғлиқдир.**

КПСС XXIV съезди резолюциясидаги бу сўзларнинг нақадар ҳаётийлиги Хоразм область партия конференциясининг иш жараёнида яққол сезилиб турди. Область партия комитетининг конференцияга ҳисоботи ҳам, делегатларнинг нутқлари ҳам ишда масъулият ва талабчанликни ошириш руҳи билан суғорилган эди.

Область партия комитетининг ҳисоботи юзасидан обкомнинг биринчи секретари **М. Худойберганов** қилган докладда таъкидланганидек, ҳисобот даври область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари учун партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари белгилаб берган вазифаларни, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш йиллари бўлди.

Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида пландан ташқари 35,7 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. 11,9 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Боғот пахта тозалаш заводи, Янгибозор заводида қуритиш-тозалаш цехи, Хивада бадиий ва совга буюмлари фабрикаси қурилди ҳамда ишга туширилди. Саноат корхоналарида 1050 та янги технологик ускуналар ўрнатилди.

Капитал қурилиш кенг миқёсда ривожланди. Уч йил мобайнида сарфланган капитал маблағлар ҳажми 709 миллион сўмни ташкил этди. Бу — ўтган беш йилликнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўпдир. Айниқса, сув хўжалиги қурилишига капитал маблағ сарфлаш анча кўпайди. Туямўйин гидроузели қурилиши, шунингдек, қатор йирик каналлар ва гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда қуриш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Область қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланиш йўлидан бормоқда. Пахта етиштиришни кўпайтириш область партия ташкилотининг бош вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уч йил мобайнида 1 миллион 145 минг тонна пахта тайёрланди, бу пландагидан 75 минг тонна зиёддир. Беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида об-ҳаво ноқулай келганига қарамай область пахтакорлари Ватанга 379 минг тонна пахта етказиб бердилар. Ҳар гектар майдондан 36,4 центнердан ёки 1972 йилдагига қараганда гектар бошига 2,8 центнер кўп пахта йиғиб олинди.

Бу муваффақиятларга партия ва ҳукумат томонидан кўрсатилган жуда катта моддий-техника ёрдами, областдаги барча меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоати, партия ташкилотлари олиб борган сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишлари туфайли эришилди.

Область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари хўжалик ҳамда маданий қурилишга раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштирмоқдалар, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, ижрони текшириш билан яхшироқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик савияси ошди. Партия ҳужжатларини алмаштириш даврида коммунистларнинг активлиги ва топширилган иш учун масъулияти, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ошди.

Докладда ва музокораларда партия ташкилотларининг ибратли иш тажрибалари кенг таҳлил қилинди, ишдаги муваффақиятлар ва унинг омиллари кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга асосий эътибор партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада оширишга, уларнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтаришга қаратилди. Дарҳақиқат, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, экономикага ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар оз эмас. Партия ташкилотлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан тўла фойдаланмадилар, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тегишли даражада таъсир кўрсатмадилар. Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришни юксалтириш суръатлари юзасидан белгиланган топшириқ бажарилмади. 14 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш планини уддаламади. Айрим корхоналарда фан-техника ютуқлари суст жорий этилмоқда. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар кўпайиб кетмоқда, маҳсулотларнинг сифати ҳали ҳам паст. Меҳнат интизомини бузиш, хўжасизлик фактларига барҳам берилмаган. Уч йил ичида 12 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Транспорт ва алоқа ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар бор.

Область партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни теа суръатлар билан кўпайтириш учун мавжуд бўлган резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланмадилар. Ер, сув, моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда, алмашлаб экишни ва комплекс механизацияни жорий этишда, ихтисослаштириш ва колхозаларароб ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Областнинг ўртача кўрсаткичидан паст ҳосил олган 50 дан ортиқ хўжаликда ҳосилдорликни ошириш — пахта етиштиришни кўпайтириш резервларидан биридир.

Чорвачиликни ривожлантириш проблемалари тўла ҳал этилмаган. Кўпгина хўжаликлар чорва моллар сонини ўстириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишни таъминламаётирлар. Ем-хашак базаси мустаҳкамланганлиги, моллар зоти яхшиланмаганлиги, фермаларни механизациялашга эътибор берилмаётганлиги натижасида чорвачилик ҳамон норентабел тармоқ бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда йўл қўйилаётган ана шу нуқсонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг обком ҳисоботи юзасидан яқинда қабул қилган қарорида ҳам кўрсатиб ўтилди.

Партия ташкилотларининг идеология соҳасидаги ишларида қатор камчиликлар мавжуд. Сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш соҳасида ҳали анча ишлар қилиниши зарур.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари иш услуби ҳамда методларини тинмай такомиллаштириб боришлари, экономикани ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболига ижодий ёндашишлари, партиявий раҳбарликнинг таъсирчанлигини оширишлари, кадрларни партия ва давлат интизомига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялашлари зарур. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорлари муносабати билан область партия ташкилотининг вазифалари конференция қатнашчилари диққат марказида турди.

Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Л. Асқарова** шаҳар коммунистлари ва барча меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорлари ҳамда тўқизинчи беш йилликнинг улкан режаларини амалга оширишда қўлга киритаётган муваффақиятлар тўғрисида қуйончли рақамларни келтирди. Шаҳар саноати беш йилликнинг ўтган уч йили ичида пландан ташқари 8 миллион 236 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу давр ичида 37 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шаҳар партия ташкилоти экономикага раҳбарликни такомиллаштириш, планлаштириш ҳамда моддий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий этиш соҳасида қатор тадбирларни амалга оширди. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларига жавобан илғор корхоналарнинг коллективлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ташаббускори бўлиб чиқдилар. Аммо шаҳардаги айрим корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш масалаларига етарли аҳамият берилмаётир. Давлат планларини бажармаётган корхоналар бор. Ёг-экстракция заводи, пиллакашлик фабрикаси каби ишга туширилаётган объектларда қурилиш муддатлари чўзиб юборилмоқда. Нотиқ область марказини обод қилиш, мактаблар ва болалар муассасаларини қурилишини жадаллаштириш, Урганч темир йўл станциясида янги вокзал тиклаш масалаларини ўртага қўйди.

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз экономикаси йилдан-йилга ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс юксалтиришда коммунистлар авангард бўлмоқдалар. Колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати **А. Юсупов** ўз нутқини кейинги уч йилнинг якунлари ва белгиловчи йил режаларига бағишлади.

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларида кўрсатилгандек, юксак мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг ижодий ишлаш маҳоратига, юксак онглилигига, масъулият туйғусига ва интизомига боғлиқдир, — деди Боғот район партия комитетининг биринчи секретари **М. Ваисов.** — Ана шу талабчанлик ва масъулият руҳи партия ҳужжатлари алмаштирилиши муносабати билан янада кучайди. Район партия ташкилоти хўжалик раҳбарларининг ва мутахассисларнинг ролини ошириш, қолоқ колхозлар ва бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш, деҳқончилик ва чорвачиликни юксалтириш учун ҳамма резервларни ишга солиш тадбирларини амалга оширмоқда. Нотиқ бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг доимий ўқувини йўлга қўйиш ҳақида таклиф киритди.

Хива районидаги Фрунзе номли колхознинг сут соғувчиси **Қ. Юнусова** сут етиштиришни кўпайтириш омиллари, колхозларда чорвачилик комплекслари ташкил қилишнинг афзалликлари ҳақида, Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи **П. Маткаримов** техника тараққиёти асосида ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш йўли билан пахтанинг таннархини арзонлаштириш тажрибалари тўғрисида гапирдилар. Қўшкўпир район партия комитетининг биринчи секретари **Н. Матёқубов**, Хива район партия комитетининг иккинчи секретари **А. Саъдуллаев** бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини ошириш, қишлоқларни шаҳар типида қайта қуриш масалаларига тўхталдилар.

Конференцияда область ижроия комитетининг раиси **Р. Эшчонов** сўзга чиқиб, Советларга партия раҳбарлиги савиясини ошириш, депутатларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги иштирокини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Туямўйин гидроузели қурилиш бошқармасининг бошлиғи **А. Корниенко** ўз сўзини зарбдор иншоот бунёдкорларининг меҳнат зафарлари ва янги режаларига, ҳал этилиши зарур бўлган масалаларга бағишлади. Гурлан район партия комитетининг биринчи секретари **Ғ. Машарипов** хўжаликларни ихтисослаштириш, колхозлараро бўрдоқичилик базалари, аралаш озуқа тайёрлайдиган корхоналар барпо этиш — жамоат чорвачилигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир, деди.

Боғот пахта тозалаш заводининг слесари **А. Машарипов**, «Наиптгазстрой» трестининг автобаси шофери **В. Кузовлев**, 167-қурилиш трестининг буёқчиси **О. Отажонова** ўзлари ишлаётган коллективларда беш йилликни муддатидан илгари ado этиш учун бошланган социалистик мусобақанинг ажойиб натижалари ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар. Шовот район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Тоҳиров**, касаба союзлари область советининг раиси **О. Худойберганова**, область комсомол комитетининг биринчи секретари **Б. Ёқубов** ва бошқалар беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини амалга оширишда омманинг меҳнат активлигини кучайтириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириш зарурлигини таъкидладилар.

Конференция ишчанлик, юксак бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилиш, принципиал таҳқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтди. Область партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **О. У. Салимов** қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инспектори **Р. Р. Алимов** иштирок этди.

Конференция область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

* * *

Янги сайланган область партия комитетининг пленуми **М. Худойберганов**ни обкомнинг биринчи секретари, **И. П. Држжакни** иккинчи секретари, **Р. Жуманиёзов**, **Ҳ. Матрасуловни** обком секретарлари қилиб сайлади.

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

# ТАЛАБЧАНЛИК ВА ТАНҚИД РУҲИДА

## ҚАШҚАДАРЁ

Ўтмишда Қарши чўлини таърифлашга «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди» деган калима кифоя эди. У асрлар бўйи қултум сувга зор бўлиб ҳансираб ётди. Совет кишиларининг яратувчи, ижодий меҳнати, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли Қарши чўли коммунизмга хизмат қилмоқда. Қарши чўлида улкан қурилиш ишларини олиб бораётган кўп миллатли катта коллектив ўз сафига 20 мингдан ошиқ кишини бирлаштирган.

Қарши чўли — Қашқадарёнинг келажаги, фахри, шарафи. Унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг шарафли ва муқаддас ишидир. 10 йил мобайнида Қарши чўлини ўзлаштиришга сарфланган миллион-миллион сўмлар ўз самарасини кўрсатадиган фурсат келди.

Қашқадарё область партия ташкилотининг XIII конференцияси делегатлари ҳисобот доклади қилган область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Ғойибов**нинг чўлни ўзлаштириш босқичлари ҳақидаги сўзларини зўр қониқиш билан кутиб олди.

Область партия ташкилоти ўз анжуманига ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниққан, соғ жиҳатдан ўсиб, сифат жиҳатидан мустаҳкамланган, ишчанлик ва маданий қурилиш, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда тажриба орттирган ҳолда келди.

Беш йилликнинг уч йилида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш плани муддатидан бир ой аввал бажарилди. Пландан ташқари 42 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат корхоналарининг асосий фондлари 3,4 марта ўсди. Қатор саноат корхоналари, электр узатиш линиялари, магистрал автомобиль йўллари, бир неча минг квадрат метр уй-жой, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Лекин докладда таъкидлаб ўтилганидек, саноат корхоналари фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам бор. Мавжуд имконият ва резервлардан етарли фойдаланилмаяпти.

Область миқёсида 8,7 миллион сўмлик ускуналар ўрнатилмаганлиги, — деди докладчи, — область партия ташкилотлари саноат корхоналари билан етарли шуғулланмаётганлигини кўрсатади. Областда саноат маҳсулотининг 250 тури ишлаб чиқарилишига қарамай, фақат битта маҳсулот — Шаҳрисабз «Ҳужум» фабрикаси дўпписи давлат «Сифат белгиси» олди. Ваҳолонки, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «Мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва янги қувватларни ишга туширишда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида кўпроқ иш қилишимиз лозим. Партия ташкилотларининг масъулият мезони ҳам, талабчанлик мезони ҳам ҳозир шу билан белгиланади».

Областда қурилиш қўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Лекин қурилиш ишларида камчилик кўп, ишларнинг сифати ёмон. Объектларни қуриш муддати чўзилиб кетмоқда, маблағ ва материаллар кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилмоқда. Шунинг учун ҳам докладчи область ижроия комитетининг капитал қурилиши бўлимини ва қурилиш ташкилотларини жиддий танқид қилди.

Ҳисобот даврида область қишлоқ хўжалиги катта ютуқларни қўлга киритди. Давлатга пахта, сабзавот, полиз, мева, гўшт, сут, тухум, қоракўл тери, пилла топшириш плани бажарилди. Давлатга 912 минг тонна пахта сотилди. Бунда айниқса Қарши, Ульянов, Косон ва Ғузор районларининг ҳиссаси катта бўлди. Лекин шу йиллар мобайнида 8 хўжалик, 278 бригада, совхозларнинг 11 та бўлими пахта планини бажармади. Ўтган йили Китоб, Яккабоғ, Қамаши районларида пахта етиштириш камайиб кетди. Бунинг натижасида область 26 минг тонна кам пахта олди.

Об-ҳаво баҳона эмас, асосий сабаб интизомнинг бўшлиги, агротехника қоидаларига тўла амал қилмаслик, ташкилотчилик ишларининг суслиги эканлиги докладда ва музокарада сўзлаганлар томонидан конкрет мисолларда кўрсатиб берилди.

Областнинг 13 колхози ва совхози гектаридан 35-40 центнер ҳосил етиштиргани ҳолда, 25 хўжалик, 453 бригада 25 центнердан ҳосил олган. Ғузор, Китоб ва Чироқчи районларидаги айрим бригадаларда ҳосилдорлик 9-10 центнердан ошмаган. Фақат қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш ҳисобига ҳар йили қўшимча равишда 30-32 минг тонна пахта олиш мумкинлиги, лекин бу муҳим резервдан унумли фойдаланилмаётганлиги конференцияда жиддий танқид қилинди.

Механизация — пахтачиликда бош йўл. Бу борада Қарши области ибрат кўрсатмоқда. Бултур район машиналарда етиштирилган ҳосилнинг 56 процентини териб олди. Бу йил 80 процент планлаштирилган. Янги ташкил топган Чўли Бегимқулов номли совхоз ҳосилнинг 95 процентини машинада териб олиб, техника қудратини намойиш қилди.

Республикада пахта теришни механизациялаш даражаси 55 процентга етгани ҳолда областда бу рақам 36 процентни ташкил этиши конференцияда афсусланиб таъкидланди. Китоб районида эса пахтачиликни механизациялаш 11 процентни ташкил этгани учун ҳам район партия комитети жиддий танқид қилинди.

Пахтачиликда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун кураш, механизацияга кенг йўл очиш область партия ташкилотининг муҳим вазифаси эканлигини докладчи ва сўзга чиққан делегатлар қайта-қайта таъкидладилар.

Пахтачиликда республика бўйича ҳосилдорлик 10 процент ортгани ҳолда областда 4 процент ўсган. Областда ҳашарчиларга бир неча миллион сўм сарфланган. Ваҳолонки, бу пулга бир қанча терим машиналари сотиб олиш мумкин эди.

Умуман, областда, айниқса Чироқчи, Ғузор, Қамаши районларида пахтачиликда механизация суст жорий этилаётгани учун маҳсулот таннархи қимматга тушмоқда. Областда ҳамон антимеханизаторлар мавжудлиги жиддий қораланди.

Дончиликда ҳам катта нуқсонлар бор. Чироқчи районида уч йиллик план 75 процентга, Ғузор районида 62 процентга, Деҳқонобод районида 50 процентга бажарилган. Уруғчиликнинг аҳволи ҳам яхши эмас.

Конференцияда чорва моллари етарли семиртирилмай, гўштга топширилаётганлиги, молларнинг наслини яхшилашга етарли эътибор берилмаётганлиги, чиқимга йўл қўйилаётганлиги, маҳсулот таннархининг қимматлиги, кўплаб ориқ моллар сўйиб юборилаётгани, чорва туёғи сонининг секин ўсиши жуда кескин танқид қилинди. Бундай ҳол Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Қамаши ва Чироқчи районларида содир бўлмоқда. Бунинг натижасида бир неча миллион сўмлик иқтисодий зарар кўрилмоқда. Областда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш коммунистларнинг биринчи галдаги вазифалари эканлиги қайта-қайта уқтирилди.

Сабзавот, полиз, мева етиштиришнинг аҳволи айниқса ёмонлиги, бунинг оқибатида маҳсулотлар бошқа жойлардан ташилаётганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Конференцияда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйишга етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатилди. Ҳисобот даврида область партия ташкилоти оммани ташаббускорлигини ошириш, кадрларни тарбиялашда бир мунча ишлар қилган. Аммо кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатлари чуқур ўрганилмаётганлиги оқибатида кўплаб совхоз директорлари ва колхоз раислари алмаштирилган. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Областнинг 323 ишлаб чиқариш бригадаси коммунистлар билан мустаҳкамланмаганлиги конференцияда кечирилмас бир ҳол деб баҳоланди.

Музокарада сўзга чиққан делегатлар ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазалари билан докладни тўлдиришди.

**А. СОБИРЖОНОВ — Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари:** шаҳарни ободонлаштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Меҳмонхона етишмайди. Ҳаммом қурилиши саккиз йилдан бери поёнига етказилмади. Бассейн қурилиши ҳам тугагани йўқ. Маданий-маиший ва уй-жой қурилишида ёрдамга муҳтожмиз.

**Ўлжа ГАНЖИЕВ — Косон районидаги «Қорақум» наслчилик совхозининг бош чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати:** чорвачиликда мустаҳкам озуқа базаси яратмай туриб, мўл маҳсулот етиштириш мумкин эмас. Шуни ҳисобга олиб, 600 гектар майдонга арпа экдик. Бедапоялар кенгайтирилди. Лекин сув етишмаслиги туфайли қийинчиликлар содир бўлмоқда.

**Ф. ОМОНОВ — Қарши район партия комитетининг биринчи секретари:**

Баъзан хўжалик эришган марра ҳисобга олинмай, унга икки хил план берилади. Масалан, «Главсредазирсовхозстрой» томонидан бир неча йиллардан буён «Аврора» совхозига гўшт тайёрлаш бўйича 70 тонна план белгиланади. Ҳолбуки, совхоз уч йилдан бери 90-100 тонна гўшт тайёрлайди. Районда совхозга 95 тонна гўшт планлаштирилган. «Нишон» наслчилик заводида ҳам аҳвол худди шундай. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги 70-75 минг, биз эса 90-95 минг бош қўй планлаштирамиз. Планлар конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда, район партия ва совет ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда тузилишини истардик.

**А. И. ШЕВКИН — «Муборак» газ-олтингугурт заводи директори:** Муборак — Ўзбекистон газ саноатининг марказига айланадиган вақт узоқ эмас. Шундай экан, заводни реконструкция қилиш ва кенгайтириш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Район партия комитетида ҳам саноат бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**Я. ИНОЯТОВ — Деҳқонобод район партия комитетининг биринчи секретари:** районимизда сел сувлари ҳавзалари қуриш республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги томонидан ўрганилган эди. Аммо масала ҳал бўлмади. Агар бу тадбир амалга оширилса, яқин йиллар ичида суғориладиган ер майдонини 2-3 минг гектарга ошириш, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш, 30-40 минг гектар яйловни сув билан таъминлаш, қўйчиликни янада ривожлантириш имконияти туғиларди.

**Ҳ. ШОҒАЗАТОВ — «Каршистрой» бошқармаси бошлиғи** — беш йилликнинг белгиловчи йилида чўлқуварлар олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Биз 125 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз, 25 минг гектар янги ер ўзлаштиришимиз, давлатга 20 минг тонна пахта сотишимиз ва яна бир қатор ишларни қилишимиз лозим.

Ўтган йили янги ерларни ўзлаштира олмаганлигимизнинг асосий сабаби прицепли скрейперлар етишмаслиги бўлди. Бу йил ҳам ана шу техникага бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаяпти. Бошқа машина, механизмлар, қурилиш материаллари билан таъминлашнинг аҳволи ҳам шундай.

Делегатлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 35-автобаза шофёри **П. Абдураҳмонов**, Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири **С. Ҳасанов**, Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **И. Раҳмонов**, «Кашкадарьяводстрой» трестининг бошқарувчиси **Ю. Хушвақтов**, Қамаши районидаги «Қорабоғ» қишлоқ Советининг раиси **Ҳ. Холмуродова**, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Ш. Файзуллаев** ва бошқалар янгидан-янги ички резервларни ишга солиш, социалистик мусобақани авж олдириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳақида гапирдилар.

Конференция делегатлари беш йилликнинг қолган йиллари вазифаларини муваффақиятли бажаришда область партия ташкилотларининг бутун куч ва маҳоратларини ишга солажакларини якдиллик билан изҳор этдилар.

Конференция обкомнинг ҳисобот даврдаги фаолиятини қониқарли деб топди ва тегишли қарор қабул қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **И. Р. Қурбонов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири ўринбосари **Н. А. Остроумов** қатнашди.

Конференция область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

* * *

Янги сайланган область партия комитетининг пленуми **Р. Ғойибов**ни обкомнинг биринчи секретари, **И. И. Головачева**ни иккинчи секретари, **М. Худойқулов**, **С. Муродов**, **В. И. Сускинни** обком секретарлари этиб сайлади.

**У. АБДУАЗИМОВ,**
**П. ГАДОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

## ПАРТИЯГА ЛЕНИНЧА ЧАҚИРИҚНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси, бутун прогрессив инсоният доҳийси, буюк революционер ва гениал назариётчи В. И. Ленин ўзининг бутун ҳаётини, жўшқин фаолиятини ишчилар синфини, барча меҳнаткашлар оммасини капитал асоратидан, зулмдан озод этишга, халқларнинг бахт-саодати, социалистик жамият қуриш учун курашга бағишлади. Шу эзгу мақсад учун узоқ йиллик кураш мобайнидаги машаққатлар — қамоқлар, сургунлар, муҳожирлик, душман ўқининг жароҳати ва ниҳоят тинимсиз меҳнат Владимир Ильичнинг сиҳат-саломатлигига қаттиқ таъсир кўрсатди. У 1924 йилнинг 21 январида вафот этди.**

**Ильичнинг вафоти партия, коммунистлар ва барча совет кишилари учун оғир йўқотиш бўлган бўлсада, лекин улар руҳан тушмадилар, саросимага берилмадилар.**

**Бу оғир жудоликка совет халқи, унинг авангарди — ишчилар синфи Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкам бирлашиш билан жавоб бердилар. Ватанимизда яшовчи барча халқларнинг В. И. Ленинга, у асос солган Коммунистик партияга меҳр-муҳаббати уларнинг партия сафидан муносиб ўрин олишга бўлган кучли интилишида айниқса яққол намоён бўлди. Бу ҳаракат кундан-кунга тобора авж ола бошлади. Мингминглаб ишчилар, фабрика ва заводлар, шахталар ва конларнинг бутун-бутун коллективлари РКП(б)га ариза ёзиб, партияга қабул қилишни сўрадилар. Марказий Комитет бу ҳаракат тобора кенгайиб кетганлигини назарга олиб станокда ишлайдиган ишчилардан партияга олиш учун ленинча чақириқ эълон қилди. Марказий Комитет эркак ва аёл ишчиларга Мурожаатнома қабул қилди.**

**Ленинча чақириқ вақтида революцион жангларда чиниққан энг яхши, илғор ишчилар партияга кирдилар. РКП (б) га киришни сўраб ёзилган аризалар муҳокама қилинган партия йиғилишларида партиясиз ишчилар ҳам актив қатнашдилар, улар партия сафларига ишлаб чиқариш илғорларини, пролетар революциясига энг садоқатли кишиларни танлаб олишга ёрдам бердилар.**

**Ленинча чақириқ даврида 240 мингдан кўпроқ ишчи РКП (б) га кирди. Бу партия ва халқ бирлигининг яққол намойиши бўлди.**

**Станокда ишлайдиган ишчилардан партияга қабул қилиш бутун мамлакатда бўлгани сингари Туркистонда ҳам жуда уюшқоқлик билан ўтди. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети РКП (б) Марказий Комитети, унинг Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида бу борадаги ишларни кенг авж олдириб юборди. Туркистон Компартияси Марказий Комитети 1924 йилнинг 24 февралида ленинча чақириқ юзасидан Туркистонда ишчилар ва батраклардан партияга қабул қилиш тартибини белгилади. ТКП Марказий Комитети бу ишларнинг боришини доимо ўрганиб умумлаштириб борди. Партияга қабул ишлари бюро мажлисларида, секретариатда мунтазам равишда қараб чиқилди, муҳокама қилинди. ТКП Марказий Комитетининг 1924 йил март Пленуми, сўнгра эса ТКПнинг VIII съезди ленинча чақириқ барча партия ташкилотлари диққат-эътиборида туришини талаб қилди.**

**Ўлка партия ташкилотлари бунга жавобан ташкилотчилик ва идеология ишларини янада авж олдирдилар.**

**Туркистонда ленинча чақириқ муваффақиятли ўтганлигининг муҳим шарти шу бўлдики, РКП (б) Марказий Комитети ўлкамизда бу ишнинг боришига доимий раҳбарлик қилди. Ўрта Осиё бюроси, ТКП Марказий Комитети хабарлари асосида партияга қабул ишларининг боришини мунтазам ўрганиб борди. РКП (б) Марказий Комитети ходимлари Туркистонга тез-тез келиб, амалий ёрдам кўрсатдилар.**

**Ленинча чақириқнинг дастлабки кунларида РКП (б) Марказий Комитети, Туркистон ва Сирдарё область комитетларининг ленинча чақириқ борасидаги фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилди ва уни янада яхшилаш йўлларини белгилаб берди. РКП(б) Марказий Комитетининг тегишли қарори бу областлар билан бирга умуман Туркистонда ленинча чақириқ ишларини лозим даражада йўлга қўйишда муҳим роль ўйнади.**

**Туркистонда ленинча чақириқни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Биринчидан, ленинча чақириқ бутун мамлакатда 3 ой давом этган бўлса, Туркистонда, хусусан Еттисой ва Амударё областларида 7-8 ой давом этди. Иккинчидан, Туркистондаги ўша вақтдаги шароитга кўра, Ленин партияси сафи ишчилар синфи билан бир қаторда батраклар, камбағал деҳқонлар ҳисобига ҳам кенгайтирилди. Бунда РКП (б) Марказий Комитетининг 1924 йил 10 майдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.**

**Батраклар ва деҳқонлар ўртасида ленинча чақириқни ўтказишда ТКПга «Қўшчи» союзи катта ёрдам кўрсатди. Ҳар бир деҳқоннинг номзоди партияга қабул қилинишдан олдин «Қўшчи» союзида атрофлича муҳокама қилинди.**

**Партия ўз сафларини ишчилар синфи ва камбағал — ўрта ҳол деҳқон табақалари вакиллари билан тўлдирар экан, айни вақтда уларни коммунистик руҳда тарбиялашга, уларнинг ғоявий-назарий савиясини синфий онглилигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берди.**

**Ленинча чақириқ бўйича партияга кирувчилар учун махсус докладлар, суҳбатлар ташкил этилди. Ленин ва ленинизм тўғрисида Туркистон халқлари тилларида «Ленинизм кутубхонаси» нашр этилди. Сиёсий маориф шохобчаларидаги тўгаракларда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти, унинг энг муҳим асарлари айниқса қунт билан ўрганилди.**

**Тошкентда ленинча чақириқ бўйича партияга кирган 1533 коммунист сиёсий тўгаракда таълим олди ва тайёргарлик даражасига қараб 1-2 даража сиёсий савод мактабларида шуғулланди. Марв, Полторацк, Қўқон, Самарқанд коммунистлари турли тўгаракларда ўқидилар.**

**Еттисув областидаги 36 та сиёсий маориф тўгарагида 400 тингловчи таълим олди. Ленинизмни ўрганиш юзасидан юқори типдаги тўгарак ташкил этилди.**

**Ўлкада ленинча чақириқ бўйича партияга кирувчиларга Туркистон партия матбуотининг ҳам ёрдами катта бўлди.**

**В. И. Ленин асарларини кенг пропаганда қилиш партиямизнинг доимий диққат-эътиборида турди. Ленин асарларини кенг тарқатиш, унинг нашрларини арзонлаштириш учун зарур маблағлар ажратилди. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва СССР Марказий Ижроия Комитети Туркистон халқлари тилларида зарур адабиётлар нашр этиш учун 1924 йилнинг июлида 79 минг сўм, август ойида эса 69 минг сўм ажратди. Буларнинг ҳаммаси ТКПнинг коммунистлар, кенг халқ оммаси, жумладан ленинча чақириқ бўйича партияга кирганлар орасида олиб борилаётган идеологик ишларини янада яхшилаш имконини берди.**

САНОАТИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

# ФИДОКОРЛАР



Пойтахтимиз саноат корхоналари, фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган машина ва механизмлар, нодир асбоб ва ускуналар, енгил саноат молларн ва хом ашёлар Ватанимизнинг турли томонларига бетўхтов жўнатилиб турибди. Ана шулар қаторида Тошкент «Компрессор» заводининг маҳсулотлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу корхона фақат республикамиздагина эмас, ҳатто мамлакатимизда ҳам энг йирик заводлардан бири ҳисобланади.

— Корхонамиз маҳсулоти, — дейди коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, коммунист Муҳаммад Қурмашев, — мамлакатимиздан ташқари Болгарияда, Польшада, Сурияда, Эронда, Кубада ва бошқа мамлакатларда ҳам манзурдир.

Дарҳақиқат, ана шундай. Тошкент компрессорлари ўзининг қулайлиги, яхши сифати, пишиқлиги ва чидамлилиги билан катта шуҳрат топди. Завод адресига келаётган кўпдан-кўп хат-хабарларда унинг маҳсулотига юксак баҳо берилмоқда.

Компрессорчилар бунга жавобан маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар. Унинг сифатини оширмоқдалар, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз такомиллаштирмоқдалар.

Завод коллективи тўқкизинчи беш йиллик планни муддатидан олдин адо этиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда ҳар доим яхши натижаларга эришиб келмоқда. Чунончи, беш йилликнинг ўтган уч йили топшириғи муддатидан олдин бажарилди, айниқса учинчи, ҳал қилувчи йил марраси барвақт эгалланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, илғор, иш усулларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш юзасидан мажбуриятларда қайд этилган кўрсаткичлар мукаммал бажарилди. Ишлаб чиқаришдаги мавжуд ускуналар такомиллаштирилиб борилди, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, узлуксиз такомиллаштириб бориш туфайли қатор-қатор ютуқларга эришилди.

Корхона коллективи 1974 йилда ички резервлар ва имкониятлардан унумли фойдаланиш эвазига оширилган мажбуриятлар олди. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар муқобил план ишлаб чиқдилар. Ана шу планга мувофиқ тўқкизинчи беш йиллликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида ишлаб чиқариш ҳажмини камида 1,7 процент оширишга, пландан ташқари 60 та компрессор ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Меҳнат унумдорлиги даражаси эса беш йиллликнинг сўнгги йилида қўлга киритилиши лозим бўлган поғонага кўтарилади.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган янги планлар чакки эмас. Энди гап кўзланган маррани муваффақият билан эгаллашда қолган.

Ҳозирги вақтда заводда бу соҳадаги ишлар анча илдамлик билан амалга оширилаётир.

Корхонанинг асосий маҳсулоти бўлмиш «ПК-10» марка-ли кўчма компрессор станцияларини йиғишда қўлланилган тезкорлик усули ўзининг ғоятда унумдор эканлигини кўрсатди. Компрессорларни тайёрлашда механизациялашган поток линиялари ёрдамида қанчадан-қанча иш бажарилмоқда. Бу эса катта иқтисодий фойда бериш билан бирга, иш унумини кескин ошириб юборди.

Шунингдек, темирчилик-пресслаш цехида штампларни тахлаш юзасидан механизациялашган участканинг жорий этилиши туфайли корхона ҳар йили 21 минг сўмдан кўпроқ фойда олиши мумкин.

Кейинги пайтда механика цехида яна бир янгилик жорий этилди. Бу ердан «РКБН-6» компрессорлари учун ишлатиладиган зарур деталлар тайёрлаш мақсадида тўрт томонлама пармаловчи ва металл қирқувчи дастгоҳ ишга туширилди. Бу янгича иш усули бир йил давомида 15 минг сўмликдан ортиқ иқтисодий фойда келтиради. Янги дастгоҳда ишлаётган моҳир созловчи слесарь, коммунистик меҳнат зарбдори Владимир Савченко ҳозир 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

— КПСС Марказий Комитети Мурожаатига жавобан,— дейди у, — мен ўз зиммамга шахсий мажбурият олдим. Беш йиллик бўйича шахсий топшириқни Улуғ Октябрь байрамига қадар бажараман.

Корхонада ойлик ва йиллик топшириқларни бажаришда илгарилаб кетаётганлар орасида фақат ишчиларгина эмас, балки бутун-бутун бригадалар бор. Муҳаммад Қурмашев бошлиқ фрезерчилар коммунистик меҳнат бригадаси ҳозир 1974 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Илғор компрессорчилар тўғрисида гапирганда корхонанинг моҳир рационализатори, коммунист Михаил Григорьев ҳақида алоҳида тўхташга тўғри келади. Деталларнинг ажойиб чархловчиси киритган бир қанча рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилиб, корхона учун бир неча ўн минг сўмлик фойда келтирди.

Михаил Григорьевнинг мусобақадоши Юрий Варфоломоев тўғрисида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу илғор токарнинг бир неча рационализаторлик таклифи ҳам юксак баҳоланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳозир у 1974 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишламоқда.

Компрессорчилар беш йиллик топшириқларни барвақт бажариш учун илғор корхоналар ва коллективларда бошланган ташаббусга биринчилар қаторида қўшилишди ва бу соҳада анча ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб тухфалар билан нишонлашга бел боғлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент компрессорчилари ўз аҳдларига вафодор кишилардир. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир ишчи дастгоҳида, ҳар бир бригада ва участкада ижодий ва самарали ишламоқдалар. Яратувчилик ва бунёдкорлик меҳнати фидокор компрессорчиларни янгидан-янги зафарларга етакламоқда.

**Я. ТУХТАЕВ.**

**Суратда: «РКБН-6» компрессорлари учун деталь ишлайдиган янги тўрт томонлама пармаловчи ва металл қирқувчи ускуна.**

# ҚАРДОШЛИК ШИОРИ ОСТИДА

## КАРЕЛИЯ АССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ПЕТРОЗАВОДСК, 26 январь. (ТАСС). Бугун Карелия байроғидаги Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени ёнига Халқлар дўстлиги ордени тақиб қўйилди. Меҳнаткашлар совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда катта хизмат қилганликлари, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий қурилишда муваффақиятга эришганликлари ҳамда СССР 50 йиллигини нишонлаш юзасидан автоном республика ана шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

Петрозаводскда КПСС область комитети ва республика Олий Советининг тантанали мажлиси бўлди. Бу мажлисни Карелия АССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. С. Прокконен очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков мажлис аҳлини табриклаб нутқ сўзлади.

И. Т. Новиков КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев номидан тантанали мажлис қатнашчиларини, республиканинг барча меҳнаткашларини юксак мукофот билан қизғин ва самимий табриклади.

Карелия, деб таъкидлади нотиқ, Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз халқларининг қардошлик ойласида катта ва шонли йўлни босиб ўтди.

Эндиликда Карелия ўз халқининг фидокорона меҳнати ҳосиродаси туфайли, Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг беғараз қардошлик ёрдами туфайли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, илғор социалистик маданиятга эга бўлган ривожланган индустриал республика бўлиб қолди. Совет ҳокимияти йилларида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 260 баравардан зиёд кўпайди, Карелиянинг электр станциялари йилига 2,5 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқармоқда. Бунча миқдордаги электр энергияни 1913 йилда чор Россиясидаги ҳамма электр станциялар ишлаб чиқарар эди.

Ёғоч тайёрлаш, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз ва ўрмон химияси саноати, тракторсозлик, кемасозлик саноати, қоғоз тайёрлаш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва рангли металлургия, бинокорлик материаллари саноати, шунингдек енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, балиқ овлаш индустриал асосда кенг кўламда ривож топди.

Республика қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар содир бўлди. Қишлоқ хўжалиги тобора механизациялашган, интенсив ва маҳсулдор соҳа бўлиб қолмоқда.

Совет Карелияси меҳнаткашларининг муваффақиятлари КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг мамлакатимиздаги барча республикалар ва областларни, катта ва кичик халқларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигининг натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати совет кишиларининг диққат-марказида турибди. Бу Мурожаат ҳаётимиз ва ишимизнинг энг зарур масалаларига бағишланган бўлиб, беш йиллликнинг тўртинчи йилини партия XXIV съезди қарорларини бажаришда янги муваффақиятлар билан нишонлашга даъват қилади.

Докладчи шуни таъкидлаб ўтдики, Коммунистик партия билан Совет давлати ленинча ташқи сиёсат йўлини изчиллик ва активлик билан ўтказиб келмоқдалар. КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга оширмоқдалар. СССРнинг тинчликсевар сиёсатини тинчлик ва социал тараққиёт ишини қадрловчи ҳамма кишилар маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Бутун партия, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган собитқадам фаолиятини қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда.

И. Т. Новиков СССР Олий Совети Президиумининг Карелия АССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида юксак мукофотни республика байроғига тақиб қўйди.

Нотиқ жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети тевараги ва маҳкам жипслашган Карелия меҳнатчилари юксак мукофотга жавобан беш йиллик топшириқларини муддатдан аввал бажариш учун куч-қувватларини аямайдилар, деб ишонч билдирди ва бу олижаноб ишда уларга катта муваффақиятлар тилади.

КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари И. И. Сенькин жавоб нутқи сўзлади. У республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Ватаннинг юксак мукофоти учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Совет Карелиясининг тарихи, унинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари — КПСС Марказий Комитети донишмандлик билан амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсат, рус халқининг, кўп миллатли мамлакатимиздаги барча халқлар беғараз қардошлик ёрдамининг ёркин тимсолидир, деб таъкидлади у. Карелия меҳнаткашлари Ватаннинг мукофотига жавобан ўз сафларини жонажон Коммунистик партия тевараги, унинг жанговар штаби — ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет тевараги янада маҳкамроқ жипслаштирадилар, деб ишонтирди нотиқ.

Тантанали мажлисда Сегеж целлюлоза-қоғоз комбинатининг катта тўрчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Калитин, В. И. Ленин номидаги қоғоз ясаш оғир машинасозлиги заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Певгонен, қурувчилар бригадири Н. И. Максаков, СССР Фанлар академияси Карелия филиали Президиумининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. И. Пьявченко сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

# ХАКАССИЯ АВТОНОМ ОБЛАСТИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

АБАКАН, 26 январь. (ТАСС). Хакассия диёрида байрам. Автоном областга Халқлар дўстлиги ордени топширилди.

Область марказида КПСС область комитети билан меҳнаткашлар депутатлари область Советининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. А. Кириллинга сўз берилади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номидан Совет Хакассиясининг барча меҳнаткашларини фахрли ва муносиб мукофот билан самимий табриклади.

Ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга ошириб келинаётганлиги натижасида Хакассия диёрида тарихан қисқа вақт ичида, аслида бир авлоднинг умри давомида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди, деди В. А. Кириллин.

Хакассия автоном области ташкил этилган 1930 йилдаги саноат маҳсулоти ҳажмига нисбатан 1973 йилдаги саноат маҳсулоти ҳажми тахминан 200 баравар кўпайди. Саноатнинг кўпгина тармоқлари — кўмир, кон-руда, ўрмон ва ёғочсозлик, химия ва машинасозлик, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати янгидан барпо этилди. қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, шунингдек маориф, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида область ажойиб муваффақиятларга эришди.

Хакассия экономикасини янада юксалтиришнинг буюк истиқболлари очилмоқда. Саян территориал ишлаб чиқариш комплексининг дастлабки корхоналарини: Саян ГЭСи, Абакан вагонсозлик заводи ва шу сингари корхоналарни қуришга киришилди.

Сўнгра В. А. Кириллин область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқидан ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан келиб чиқувчи вазифаларига тўхталиб ўтди.

В. А. Кириллин СССР Олий Совети Президиумининг Хакассия автоном областини Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида юксак мукофотни область байроғига тақиб қўйди.

Тантанали мажлисда Хакассия область партия комитетининг биринчи секретари А. И. Крилов, Абакан давлат педагогика институтининг ректори Д. И. Нагрузов, Черногорск кўмир разрезининг механиги В. Г. Калинин, Олтой районидаги «Россия» совхозининг директори В. Д. Логинов, «СаянГЭСстрой» ғишт терувчиси В. В. Степанова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

# СТУДЕНТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯЛАШ — КОНФЕРЕНЦИЯ МАВЗУИ

Студентларни ва ўқувчи ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш масалаларига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси 26 январда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Конференцияда олий ўқув юртларининг ректорлари, партия ва комсомол комитетларининг секретарлари, шунингдек ўқитувчилари, техникумларнинг директорлари, олимлар иштирок этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Ғ. А. Абдурахмонов, республика юстиция министри М. С. Восиқова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Аъзамхўжаев ҳамда олий мактабларнинг бошқа раҳбарлари ва етакчи юристлар доклад қилдилар. Бу докладларда ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш тажрибаси умумлаштирилди, ана шу муҳим ишни янада кучайтириш вазифалари белгилаб берилди. (ЎзТАГ).

РКП (б) Марказий Комитети, унинг Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида Туркистон Компартиясининг кўп қиррали фаолияти туфайли ўлкада ленинча чақириқ бўйича партияга қабул қилиш ишлари муваффақиятли ўтказилди. Шу даврда Туркистонда ҳаммаси бўлиб 8113 киши партияга қабул қилинди. Ленинча чақириқ партия социал составини янада яхшилаш имконини берди. Партияга қабул қилинганлардан 4817 киши ишчи, 2482 киши батрак, 894 киши деҳқонлар, камбағаллар ва қизил аскарлар эди.

Ленинча чақириқ бўйича Туркистон Коммунистик партиясига аъзо бўлганлар орасида 214 хотин-қиз бўлиб, улардан 45 киши маҳаллий миллатларнинг вакилларидир. Туркистонда ленинча чақириқ бўйича партияга ўзбек, туркман, тожик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари кирдилар. ТКП сафи маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига 43 процент ўсди.

Партияга ленинча чақириқ Туркистон Компартияси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Уша пайтда РКП (б) Марказий Комитетининг секретари, Ўрта Осиё бюросининг раиси бўлиб ишлаган Я. Э. Рудзутак бундай деган эди: **«Туркистонда партия қурилиши анча мустаҳкамланди. Ленинча чақириқ муваффақиятли ўтказилганлиги бунга далил бўла олади».**

Шундай қилиб, ленинча чақириқ уюшқоқлик билан ва пухта ўтказилганлиги натижасида Туркистон Коммунистик партияси ғоявий-ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланди, унинг жанговарлик ва раҳбарлик роли анча ошди. Бу ҳол Туркистонда социалистик қурилишни янада авж олдиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уша даврда ленинча чақириқ бўйича партиямиз сафидан муносиб ўрин олган коммунистлар социализм қурилиши ишига салмоқли ҳисса қўшдилар, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда фаол қатнашмоқдалар. Шундан буён ярим аср вақт ўтди. Шу йиллар ичида шонли Коммунистик партиямиз улуғ Ленин таълимотига оғишмай амал қилиб, монолит, уюшган, замонамизнинг илғор марксча-ленинча отрядига, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг сиёсий етакчисига айланди.

Шу йилнинг октябрида ўзининг 50 йиллигини нишонлайдиган Ўзбекистон Коммунистик партияси эса КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлиб қолди. У республикамиз коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг куч-ғайратини, талаб-бусларини мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий қудратини янада оширишга, бу йўлда муҳим босқич бўлган тўқкизинчи беш йиллиқнинг белгиловчи йили топшириқларини мукаммал бажаришга йўналтирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съездида айтганидек: **«Партия билан бутун меҳнаткашларнинг ажралмас бирлиги — бизга олга томон дадил қадам ташлаш, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бизнинг партиямиз меҳнаткашлар ишончини ғоят эҳтиёлайди ва қадрлайди. Буюк партиямизни бутун қоралар билан мустаҳкамлаш, унинг халқ билан, омма билан алоқасини мустаҳкамлашни бизга улуғ Ленин васият қилган, бинобарин биз Ленининг ана шу васиятига содиқ бўлиб қоламиз».**

**Қ. ҲАСАНОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

# «МАРҲАБО, АЗИЗ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ!»

ГАВАНА, 28 январь. (ТАСС мухбири). Революцион Куба пойтахтида катта шодиёна. Тропик қуёшининг сахий нурларига чўмган нурафшон оппоқ шаҳар бугун айниқса кўркам. Гавана катта ва тантанали воқеа — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев визитига тайёргарлик кўраётиб қиёфасини ўзгартириб юборди, дейиш мумкин.

Шаҳар майдонлари ва ҳиёбонлари, проспектлари ва кўчалари алвонларга бурканди. Совет Иттифоқи ва Куба Республикасининг давлат байроқларини енгил денгиз шабадаси ҳилпиратиб турибди. Давлат муассасалари ва корхоналари биноларининг пештоқларида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, шунингдек ўртоқ Л. И. Брежнев портретлари кўринади. Ҳамма ерда рус ва испан тилларида «Марҳабо, азиз ўртоқ Л. И. Брежнев!», «Яшасин Совет—Куба бузилмас дўстлиги!», «Революцион ғоялар Октябрь революцияси очиб берган йўлдан олга бормоқда!» деган самимий табрик сўзлари ва шиорлар ёзилган транспарантларни кўрасиз.

Куба матбуоти, телевидениеси ва радиоси ўз материаллари ва программаларини Совет Иттифоқига, унинг янги жамият қуриш ҳамма соҳаларидаги катта-катта муваффақиятларига бағишламоқда. Газеталар ва журналлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг таржиман ҳолини эълон қилди.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг органи «Гранма» газетаси «Тарихий аҳамиятга молик визит» сарлавҳаси остида бош мақола босиб чиқарди. «Шу визит барҳаёт Ленин иши, инсониятни озод этиш ва инсониятни тараққий топтириш иши планетамизнинг ҳамма чеккаларида қарор топиб бораётганлиги, яшаётганлиги ва ғалабаларга эришаётганлигини ғоятда яқ-қол кўрсатади», — деб таъкидланади мақолада.



Шу кунларда бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори Марказий Америкадаги озодлик ороли — Куба Республикасига қаратилган. Чунки Куба олий меҳмон, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни кутмоқда. Юқоридаги суратда Гавананинг денгиз соҳилидаги Малекон районининг кўриниши акс этган. Мамлакатда таълим-тарбия ишларига катта аҳамият бериляпти. 1973 йилнинг ўзидагина маориф ишларига 700 миллион песо ажратилди. Бу мамлакатнинг революциягача бўлган тарихидагидан анча кўпдир. Халқ Кубаси сўнгги икки йил ичида умумий бошланғич (олти йиллик) таълимни амалга оширди. Ўртадаги суратда Гавана вилоятидаги ўрта мактаблардан бирини кўриб турибсиз. Гаванада совет сиёсий плакатлари кўргазмаси очилди (пастдаги сурат). Унда 400 совет рассомининг совет халқининг қаҳрамонона тарихини акс эттирувчи расмлари намойиш қилинаётир. Бир қатор плакатлар империализмга қарши кураш, халқаро бирдамлик ва Куба халқи билан ҳамкорлик мавзусига бағишланган бўлиб, томошабинларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

Пренса Латина — ТАСС фотолари.

# КУЧИНИ КЎРСАТМОҚДА...

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). БМТ хавфсизлик кенгашининг раиси, Коста-рика ташқи ишлар министри Г. Фасио Хитойнинг Жанубий Хитой денгизидаги ҳарбий ҳаракатлари муносабати билан Жанубий Вьетнам шикоятини кўриб чиқиш учун кенгаш чақиришни номақбул деб топди.

Г. Фасио журналистларнинг берган саволларига жавоб қайтариб, Жанубий Вьетнам Сиша (Парасель) ороллари районида ХХРнинг ҳаракатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин деган илтимосидан воз кечганлигини айтди. Сайгон ушбу масалани Гаагадаги халқаро суд муҳокамасига қўйишга қарор берганлиги хабар қилинади.

ТОКИО, (ТАСС). «Жапан таймс» газетаси бундай деб ёзади: «Парасель ороллари районида юз берган қуролли тўқнашув Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини ғоятда ташвишлантириб юборди. Хитой ўзининг агрессия кучларини кўрсатди ва даъво этаётган территорияларида ўрнашмоқ учун қуролли куч ишлатишга тайёр эканлигига равшан ишора қилди. Бу сиёсат Хитойнинг Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон билан тўқнашувларида намоён бўлган урушқоқлик йўлининг давоми бўлса керак».

Киодо Цусин агентлиги хабар беради: «ХХР билан Жанубий Вьетнам ўртасидаги қуролли тўқнашувларга дипломатия доиралари Япония ва Филиппинга қилинган огоҳлантириш деб баҳоламоқдалар. Шу доираларнинг фикрига кўра, Хитойнинг ана шу ҳатти-ҳаракати ўзиники деб ҳисоблаётган территорияларга бўлган ҳуқуқини қарор топтирмоқ учун қурол ишлатишдан ҳам тўхтамаслигини кўрсатишни мақсад қилиб қўяди».

ДЕҲЛИ, (ТАСС). «Индиан экспресс» газетаси ёзади: Жануби-Шарқий Осиёдаги бир қанча мамлакатлар — Филиппин, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Индонезия Хитойнинг қурол ишлатганлигига кўрқиб қарамоқдалар ва Хитой бундан буён ҳам бос-қинчилик йўлини давом эттираверармикин, деган саволни ўзларига бермоқдалар.

«Таймс оф индиа» газетаси редакцион мақоласида ёзадики, ХХРнинг куч ёрдами билан Парасель ороллариии босиб олишга қарор берганлиги Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларни ҳам жиддий ташвишлантирмасдан қолмайди.

# ТОШКЕНТ ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ

Тошкент Давлат оперетта театрининг ташкил этилганига атиги бир йил бўлди. Аммо театрнинг аҳил ижодий коллективи шу қисқа вақтнинг ўзида бир неча асарни саҳналаштириб, томошабинлар эътиборини қозонди. «Чанитанинг бўсаси», «Тбилиси осмонида», «Қувноқ уруш» каби оперетталар эндиликда талабчан санъатсеварларнинг энг ёқтирган томошаларига айланиб қолди. Дастлабки муваффақиятдан руҳланган театр ижодий коллективининг бу йилги режалари янада улкан. Улар Узбекистон ССР ва Узбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллик тўйига атаб бир неча асарлар яратиш ниятидадирлар.

Шунингдек қувончлиги, кенжа театр ўзининг янги, иккинчи мавсумини янги бинода янги асар намойиш этиш билан бошлади. Бу асар И. Кальманнинг «Монмартр бинафшаси» опереттаси бўлиб, у уч кўринишдан иборат. Спектаклни театрнинг бош режиссёри Л. Вилькович саҳнага қўйган.

Тошкентлик томошабинлар яқин кунларда Хўжа Насриддин ҳақида ҳикоя қилувчи «Улуғ ҳазлкаш» ва «Теран кўзли қиз» каби оперетталарни ҳам томоша қилишга муяссар бўладилар.

Суратда: «Монмартр бинафшаси» опереттасидан бир кўриниш.

К. Ромеев фотоси.

# АГИТБРИГАДАЧИЛАР КЎРИГИ

Шаҳримизнинг темир йўлчилар маданият саройида Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган Узбекистон касаба союзлари бадиий-агитация бригадаларининг республика кўрик конкурси бўлиб ўтди. Қарийб тўрт кун давом этган бу кўрик Узбекистон касаба союзлари республика Совети, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Узбекистон театр жамияти раҳбарлигида «Ҳал қилувчи йилда — зарбдор меҳнат» шиори остида ўтди. Мазкур кўрикда 160 агитбригада коллективлари иштирок этди.

Кўрикнинг энг яхши иштирокчилари Узбекистон касаба союзлари республика Совети, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Узбекистон театр жамияти томонидан таъсис этилган диплом ва пул мукофотлари, шунингдек фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар. Самарқанд шойи-газлама фабрикасининг Челнок агитбригада коллективи биринчи даражали диплом билан мукофотланди ва тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида Москвада бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ агитбригадалар кўригида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг «Полиграфчилар овози» агитбригада коллективи иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Якунловчи кўрикда иштирок этган 22 та бадиий агитбригада коллективлари ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети, Узбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитети ва Узбекистон театр жамиятининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Кўрик якунига бағишланган катта ижодий конференция бўлиб ўтди. Унда таниқли санъат арбоблари, театршунос ва санъатшунослар бадиий агитбригадалар программаларини муҳокама қилишди ва уларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилашди.

А. ФОЗИЛОВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Концерт. 14.00 — Урток Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир. 17.10 — Янгиликлар. 17.20 — Телефильм. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Спорт программаси. 18.55 — Яшасин Куба (ҳужжатли фильм). 19.15 — Халқ контроли экрани. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Қурилиш ва муқобил план. 20.20 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт». Урток Л. И. Брежневнинг Кубада бўлишига доир. 23.00 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.00 — Қора чайка (бадиий фильм). 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Концерт. 19.00 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 19.30 — Телефильм. 19.45 — Концерт. 20.00 — Музейлар ва кўргазма заллари бўйлаб. 20.30 — Телефильм. 20.40 — Фильм-спектакль. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 23.00 — Фильм-спектаклнинг давоми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.05 — Математика оламига саёҳат. 20.35 — Болтиқ осмони (бадиий фильмнинг 1-серияси).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/I да Князь Игорь, 30/I да Ойжамол, 31/I да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/I да Оқшомдан тушгача, 30/I да Ажал минораси, 31/I да Оқшомдан тушгача.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/I да Севишганлар хиёбони, 31/I да Жон қизлар.

## КИНО

Емгир ёғди, излар ювилди — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севги анатомияси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МИР», «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Садоқат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Она муҳаббати — А. НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Надежда — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ватерлоо — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (15.00, 20.00).

Тошкент метрополитени қурилиши суръати ҳар қачонгидан авж олдирилмоқда. Метро станцияларини барвақт қўлдан чиқариш учун қурувчилар ўртасида социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Суратларда: Тошкентдаги 2- тоннелстрой отрядининг пешқадам электр пайвандчиси Марсел Галиулин ва станцияларнинг бирида монтажлаш пайти.

А. Тўраев фотолари

# ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

# ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ

Ўз фарзандига меҳритоб бўлган ота ва она ўз нури дийдасига ҳаёт бахш этган кундан бошлаб, уни охирги нафасигача ўз қалб қўри билан асрайди, яхшиликдан ўзга нарсани раво кўрмайди, емай-едиради, ичмай-ичиради, офатларни кўкси билан тўсади.

Фақат инсон боласигина эмас, борлиқдаги ҳамма катта-ю-кичик тирик мавжудотнинг боласи ўзининг яратувчисига, яъни ота-онага бутун вужуди билан интилади. Эндигина ёруғ дунёга келган бола ўз ҳаётининг биринчи дақиқалариданоқ она меҳрини татий бошлайди. У ўз онасига талпинади, уни ўзгалардан ажрата олади. Бу наслдан-наслга ўтадиган туғма рефлекс, табиий бир ҳолдир.

Оналик меҳри, оналик ғуруруни дунёдаги ҳеч бир бойлик билан таққослаб бўлмайди. Она ва оталар ўз фарзандларининг соғлом ва бақувват бўлиши йўлида ҳеч нарсани аямайдилар, уни жону-тан билан ҳимоя қиладилар.

Шунинг учун ҳам доно халқимиз ҳар бир фарзанд ота ва она олдида доимо қарздор эканлигини уқтириб туради. Бу қарзнинг нақадар улкан эканлигини ифодалаш учун донолар: «Онанинг қарзини узмоқ учун фарзанд уни мағрибдан машриққа опичлаб олиб борса ҳам бу қарз узилмайди» дейдиларки, бу фикрларда олам-олам ҳақиқат бор.

Ота билан онани қадрлаш борасида улуғ инсон Алишер Навоий уларнинг номини олтин билан ўйнинг ҳамма пештоқига ёзиб қўйса арзигудек фикр изҳор этган:

**Бошни фидо қилғил ато бошиға,**
**Жисмини қил садқа ано қошиға,**
**Тун кунингга айлагали нур фош,**
**Бирисин ой англа, бирисин қуёш.**

Ой билан қуёш... Қанчалик юксакда улар! Демак, она билан отани шунчалик юксакка кўтармоқ фарзанд бурчидирки, буни унутса ювганда кетмас доғ, кечириб бўлмайдиган гуноҳдир.

Биз ҳаммамиз ўз қариндошларимиз, дўст-ўртоқларимиз, аҳил маҳаллаларимиз, ҳамкасбларимиз ва узоқ-яқин танишларимиз ўртасида кўплаб яхши фазилатли, ота-онага ҳамиша содиқ, она кўксидан эмган оқ сутини оқлаётган, тириклигида ҳам, ўлганида ҳам виждон амри билан сидқидилдан улар ҳурматини бажо келтираётган фарзандларни биламиз, улар билан фахрланамиз.

Мана бир мисол:

Кенг жамоатчиликнинг ҳурматини қозонган, моҳир шифокор дўстларимиз бизни ўз волидаларининг 90 ёшга кирганларини нишонлаш кечасига таклиф қилдилар. Бу таклиф биз учун алоҳида қиммат ва аҳамиятга эга эди, чунки биз бу табаррук онанинг олтмиш, етмиш ва саксон ёшга кирганларида ҳам фарзандлар ва неваралар томонидан ўтказилган тотли кечаларда қатнашган, қутлуғ уйда меҳмон бўлган эдик.

Икки томондан қатор таъзим бажо келтириб турган ўғиллар, қизлар, невара ва чеваралардан тузилган жонли коридордан ҳовли томонга қадамлаб бормоқдамиз. Онанинг — бувининг бегубор 90 ёшини кўриш шарафига муяссар бўлган бу бахтиёр авлоднинг табассум нури билан ювилиб турган чеҳраларини бир кўрсангиз эди.

Дарвозадан кириш биланоқ она уйининг пештоқига ёзиб қўйилган шу сўзларга кўзимиз тушди: «90 ёшли онамизни ҳурмат қилиб келган ҳар бир меҳмон ҳам 90 ёшга кирсин!». Қани айтингчи, бу сўзларни ўқиган кўзларга ёш келмай бўладими? Таҳсин ва қувонч ёшлари айб эмас, биз ҳам ўзимизни тутолмадик.

Энди у ерда айтилган юрак ташаккурларини бир эшитсангиз эди! Бутун вужудингиз билан яйраб, ўзингизнинг ҳам қадрингиз фарзандлар олдида шундай бўлишига умид ва қаноат ҳосил қилган бўлур эдингиз.

Киши руҳига роҳат бахш этувчи бундай тантанавий йўқловларнинг кўпида бўлганмиз. Ўз ота ва онасини кишилик ҳурматининг муаззам чўққиларига кўтарган фарзандлар кўп. Бу масаланинг ибратли ва қимматли томони шундаки, яхши фарзандларнинг ота-оналарга кўрсатган ҳурматлари уларнинг ўз фарзандлари, невара, чеваралари учун ҳаётий намуна бўлади, яна янги оилавий анъана кашф этилишига сабабчи бўлади.

Лекин ойда ҳам доғ бор деганларидек, минг афсуски, инсон боласида ҳам шу юксак фазилат қўнмаган, ҳаётнинг қонун ва қоидаларига амал қилмайдиган, ўз шахсий ҳузур-ҳаловати, тинчлигини кўзлаб, мўътабар ота ва оналарининг ҳурматини топтайдиган, оёқ остига қиладиган шахслар ҳам топилиб туради. Яхшиямки, бундай шахслар олтиндай мусаффо бугдой доналари орасида кўриниб қоладиган битта-иккита қорамуғ доналар каби оз. Шунга қарамасдан, улар ҳақида гапирмоқ зарурлигини сезиб турибмиз.

Ота шафқати, она меҳри ва оқ сутини қадрламаган ва шу қилиқ боисидан эл нафратига учраган, халқ назидан тушиб қолган бундай шахслар ўз ота-оналарини уларнинг тириклигларида ҳурматлаш ўёқда турсин, ҳатто моддий ва маънавий ёрдам ҳам бермайдилар. Жуда кам бўлса-да, шундай «фарзандлар» ҳам борки, улар ўз ота-оналарига моддий ёрдамни суд ҳукми билан нафақа асосида тўлайдилар! Ахир, бу ўтакетган ноинсофлик эмасми?

Шундай қабиҳ ҳоллар ҳам учрайдики, тириклигида ота-онанинг ҳолидан хабар олмаган фарзанд она-оталари болаларига зору-интизор бўла-бўла дунёдан ўтганидан кейин атрофдагиларга намойиш қилиш учун дод-вой соладилар, бел боғлаб марҳумнинг ҳурматини жойига қўймоқчи бўладилар. Шунақа беҳаё шахслар ҳақида ўйлар экансан, адиб Мақсуд Шайхзоданинг шу йўқолмас сатрлари кўз олдингга келади:

**Улганида — юз соат йиғлаб тургандан**
**Уни тиригида бир соат йўқланг!**

Ота ва онанинг ҳаётлик даврларидаги ҳурмат ва уларнинг вафотидан сўнг кўрсатиладиган иззат-икромлар ҳақида фикр юритар эканмиз, ўзимизнинг баъзи бир мулоҳазаларимизни мўҳтарам газетхонлар муҳокамасига ҳавола қилмоқни лозим топдик.

Бизнинг фикримизча, ножўя киритилган расм-русмлар ўрнига шундай бир одат анъана тусига киритилсаки, мўътабар 60 ёшга кирган ота-оналаримиз, ака-опаларимизни, улар хизматчими, олимми, уй бекасими эканлигидан қатъий назар, тугилган кунларини барча қариндошлари, дўсту-ёронлар иштирокида бир тўй қабилида нишонланса. Ўзи кўриб ва иштирок этиб қувонган бу маросимни 70 га кирганда такрорланса ва насиб этиб 80 га кирсалар катта тўй шаклида ўтказилса, ҳар жиҳатдан маъқул ва тарбия-одоб жиҳатидан мутлақо фойдали бўлур эди.

Эстонияда ҳозир ҳам кенг қўлланиладиган яхши бир одат бор экан. Ҳар бир киши ўзига яқин дўстининг, қариндошининг, айниқса ҳурмат ёшидаги танишининг туғилган кунини махсус ён дафтарчасига ёзиб қўяр экан ва уни ҳар куни эрталаб бир варақлар экан. Ёзилганлардан қайси бирининг туғилган куни яқинлашиб қолган бўлса, дарров ўртоқлари билан хабарлашиб, ишдан сўнг бир жойга тўпланишар ва магазиндан қурби етганча ҳар ким ҳар нарсани харид қилар экан-да, туғилган кишининг эшиги олдига келиб, шу одат учун махсус ёзилган ва ҳамма бирдай ёдлаб олган қўшиқни айтар экан. Шундан сўнг уйга кириб ўзлари дастурхон ёзар ва келтирган нарсаларини ўртага қўйиб, туғилган кишини таклиф қилар эканлар. Ултиришда юбилярнинг ҳамма яхши фазилатлари, элга қилган хизматларини тилга олиб, келтирган совғаларини бир-бир топширар эканлар.

Қандай яхши одат! Дўстларнинг таклифсиз йўқлаб келишлари ҳатто ўзининг туғилган кунини унутиб қўйган киши учун ҳам қандай ёқимли, унутилмас ҳодиса! Бундай одатни ҳамма ерда ҳам қўллаш ёки шунга тақлиддан бошқа бир яхши фойдали одат жорий этиш мумкинку!

Ота-оналаримизни ҳам худди шундай, улар кутмаган пайтда, ҳаётлигида йўқлаб, кўнгилларини олиб турсак, фарзандлик бурчимизни бажо келтириб, рози қилсак, оқ ишини олсак, виждонимиз тоза, ўз фарзандларимиз олдида ҳам юзимиз ҳамиша ёруғ бўлади.

**Ҳаким ЗОҲИДИЙ,**
**Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор.**

**Атаулла ОҚИЛОВ,**
**биология фанлари доктори, профессор.**

## БИЗГА ЁЗАДИЛАР

УЙЧИ. Жданов номли колхоз территориясида янги чорвачилик комплекси қурилмоқда. Бу ерда район хўжаликларидан келтирилган бузоқлар парвариш қилинади ва зотдор, маҳсулдор сигирлар етиштирилади.

Қ. ТУРАЕВ, ишчи.

КАЛИНИН. 1- «Тошкент» совхози парник хўжаликларида иш қизғин. Усталар ромларни тузатишиб, ойна солишяпти. Ишчилар эса ўраларни тозалашмоқда. Бундан ташқари 6 гектар майдон эртанги экинлар экиш учун ҳозирланаётир.

Т. ДУСАНОВ.

## Ахборот

ЧИРЧИҚ

### Қизиқиш катта

Шаҳардаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводига чет эллардан бу ерда тайёрланаётган турли хил қишлоқ хўжалик машиналарига кўплаб буюртмалар келиб туради. Утган йили ҳорижий мамлакатларга уч юзга яқин турли машиналар жўнатилди. Айниқса давлат сифат белгиси қўйилган машина ва агрегатларга талаб ортиб бормоқда.

Шу йилнинг дастлабки ойида шундай машиналардан қирқтаси Афғонистон, Эрон, Миср Араб Республикаси, Ироқ каби мамлакатларга юборилди.

### Томошабинлар учун

Шаҳарнинг Ленин майдони ҳуснини янги қурилган 600 ўринли кенг экранли кинотеатр бинаси очиб юборди. Бинони 160-қурилиш трестининг 94-кўчма колоннаси коллективи қурди.

### Бештеракда посёлка

Бу массивда янги посёлка барпо этилмоқда. Ғишт заводининг ишчилари учун икки секцияли 40 та коттеж қурилиб фойдаланишга топширилди. Посёлка кун сайин ободонлашиб бормоқда. Шаҳар Совети юздан ортиқ оилага участка ажратиб берди. Улар қурилиш материаллари билан тўла таъминланадилар.

Т. ЎРУНОВ.


Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Усимликлар экспериментал биологияси институти

ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛАБОРАТОРИЯЛАР КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ — Ўсимликлар ирсиятини бошқариш, ўсимликлар систематикаси ва ўсимликлар турининг ҳосил бўлиши, гўза мутагенези, анатомияси ва морфологияси, пахта толасининг биологияси, гўзанинг вилтга чидамлилиги генетикаси, ўсимликларнинг радиацион биологияси, гўзанинг вилтга чидамлилиги физиологияси ва биохимияси, липидлар биохимияси, ўсиш регуляторлари физиологияси ва биохимияси, физиологик актив бирикмаларни қидириш, маданий ўсимликлар экологияси, Тошкент зонал экспериментал лабораторияси:

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой;

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.


Узбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси аппарати ходимларининг коллективи бўлим мудирининг ўринбосари Л. И. Аюповага онаси

Дилбар ШОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши Бош бошқармасининг коллегияси, партия ташкилоти ва «Узоргтехводстрой», трестининг коллективи «Узоргтехводстрой» трестининг бош инженери, 1958 йилдан бери КПСС аъзоси

Вячеслав Иванович СОЛОВЬЕВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

# ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ФУТБОЛ

Республикамиз пойтахтида катта футбол мусобақалари ўтказиладиган бўлди. Усмирлар командаси ўртасида ўтказилиб келинаётган анъанавий халқаро ўйинлар бу сафар Тошкент стадионларига кўчади. Қизғин учрашувларда 1955 — 1956 йилларда туғилган футболчи йигитлар куч синашадилар.

Халқаро мусобақада Узбекистонлик ўсмирлар ҳам иштирок этадилар. Республика терма командаси составига 20 дан ортиқ қобилиятли футболчилар киритилди. Улар орасида Назаров, Носиров, Азизхўжаев, Раҳимов, Иванов, Вождайкин, Баканов, Кравчук, Камолов, Гиззатуллин, Кормеев, Арутюнов, Воҳидов, Қодиров, Юсупов, Черников сингари ўйинчилар бор. Узбекистон спорт шарафини ҳимоя қилишга шайланаётганлар асосан футбол бўйича ихтисослаштирилган республика мактаби, футбол мактаби, Титов номидаги интернат-мактаб ва «Андижанец», «Текстильщик», «Старт» командаларидан олинган.

— Тошкентда катта футбол ўйинларини ўтказилишидан мухлислар мамнун, — дейди республика спорт комитетининг футболхоккей бўлими бошлиғи Д. Берлин. — Усмирларнинг ўзаро куч синашувлари бўлажак пахтакорчиларимиз учун ўзига хос имтиҳон бўлади. Учрашувларни «Трактор», «Старт», «Политотдел» стадионларида ўтказиш кўзда тутилган. Кўп нарса об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. Агар ҳаво юришиб қолса, баъзи ўйинларни «Пахтакор» стадионида ҳам ўтказамиз. Футболчиларимиз тайёргарлик машқларини бошлаб юборишди.

Халқаро ўйинда жами саккиз команда иштирок этади. Турнир иштирокчилари икки группага бўлинган. «А» группасига СССР-1, ГФР, Швеция, Финляндия командалари киритилди. «Б» группаси СССР-2, Польша, ГДР ва Узбекистон терма командаларидан тузилди. Дастлабки учрашув кунлари ҳам белгиланган. 24 февралда СССР-1 ва Швеция командалари майдонга тушадилар. Эртаси куни Узбекистон — СССР-2 командалари куч синашади. Группа ғолиблари финалга йўлланма олади.

Халқаро учрашувлар муносабати билан республика футбол федерацияси тренер-устозлар борасида баъзи ўзгаришлар қилди. Жумладан республика ўсмирлар терма командасига яна Узбекистонда хизмат кўрсатган тренер С. Арутюнов раҳбарлик қиладиган бўлди. Унга собиқ пахтакорчи В. Қаҳҳоров кўмакдошлик қилади. Усмирлар терма командасининг тренери, таниқли футболчи Г. Красницкий тағин «Пахтакор» командасининг иккинчи тренери лавозимига ўтказилди.

Узбекистонлик ўсмир футболчилардан Олег Еремеев мамлакат терма командасининг аъзоси экани мухлисларга аён. Тошкент футбол мактабининг талабаси мазкур халқаро турнирда СССР-1 командаси составида ўйнайди. Катта футбол мусобақаларининг финал қисми 3-март кунига мўлжалланган.

Ҳ. НОСИРОВ.

ШАҲАР ТЕМАСИДА

# ҚОРЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

Бу йил қиш қаттиқ келди. Шаҳар кўчалари кетма-кет ёғаётган қордан пешма-пеш тозаланмоқда. Бунда универсал қор тозаловчи машиналардан кенг фойдаланилмоқда.

М. Нуритдинов фотоси.

## ЁШ ТАНҚИДЧИЛАР КЕНГАШИ

Яқинда Узбекистон Ёзувчилар союзи адабий танқидчилик секциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда ёш адабий танқидчиларнинг ижодий фаолияти муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарорининг икки йиллиги муносабати билан ўтказилган бу йиғилишни секция раиси, филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов кириш сўзи билан очди. Шундан кейин филология фанлари кандидати У. Норматов ёш адабий танқидчиларнинг фаолиятидаги ютуқ ва нуқсонлар ҳақида гапирди.

Муҳокамада адабий танқидчилардан А. Расулев, М. Олимов, С. Содиқ, Ё. Яқвалхўжаев ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.


Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ✦ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03187. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. № 24.